

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАСОЛИЕВ САРДОРБЕК ТУРСИНОВИЧ

**ШАҲАР ЭКОСИСТЕМАЛАРИНИНГ ТУПРОҚ СУВЎТЛАРИ
(АНДИЖОН ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

03.00.05 - Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора
философии (PhD) по биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor
of philosophy (PhD) on biological sciences**

Мамасолиев Сардорбек Турсинович Шаҳар экосистемаларининг тупроқ сувўтлари (Андижон шаҳри мисолида)...3
Мамасолиев Сардорбек Турсинович Почвенные водоросли городских экосистем (на примере г. Андижана).....21
Mamasoliev Sardorbek Tursinovich The soil algae of urban ecosystems (on the example of Andijan).....39
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....43

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.28.09.2018.В.76.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

МАМАСОЛИЕВ САРДОРБЕК ТУРСИНОВИЧ

**ШАҲАР ЭКОСИСТЕМАЛАРИНИНГ ТУПРОҚ СУВЎТЛАРИ
(АНДИЖОН ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

03.00.05 - Ботаника

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган – 2019

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/B102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.namdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Тожибоев Шаробитдин Жамолович биология фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Каримов Фарход Исомиддинович биология фанлари доктори Бўриев Сулаймон биология фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Наманган давлат университети ҳузуридаги PhD.28.09.2018.B.76.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Наманган давлат университети мажлислар зали. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс: (+99869) 227-07-61; e-mail: info@namdu.uz).

Диссертация билан Наманган давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 160119, Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни таркатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Э.Зайнабидинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, б.ф.д.

Х.Э.Эргашева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари бўйича PhD.

А.Р.Батошов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациянинг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда шаҳар экосистемаларининг меъёрий ҳолатда бўлишида, деградацияга учраган тупроқларнинг қайта тикланишида ҳамда мавжуд биоценознинг биологик хилма - хиллигини сақлашда ифлосланиш даражасини табиий прогноз қилувчи хусусиятига эга бўлган тупроқ сувўтлари муҳим ўрин эгаллаган. Шу жиҳатдан шаҳар тупроқ муҳитини, айниқса, ундаги сувўтларнинг замонавий ҳолатини баҳолаш ва амалиётга жорий этиш истиқболларини аниқлаш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Жаҳонда тупроқ альгофлораси бўйича тадқиқотлар шаҳар ҳудудини тўрт хил селитеб ҳудуд-аҳоли яшаш жойлари, рекреация ҳудуд-хиёбонлар, истироҳат боғлари, саноат ҳудуд-саноат корхоналари атрофи ва транспорт ҳудуд-шаҳарнинг асосий шоҳ кўчалари каби экологик ҳудудларга бўлиниши, улар ўртасидаги фарқ қилувчи альгофлоралар ҳолатини аниқлаш ҳамда уларнинг трансформацияси даражасини баҳолашга қаратилган. Шунингдек, бундай экологик ҳудудларда аҳоли истиқомат қилиши, ишлаши, дам олишини ҳисобга оладиган бўлсак, у жойлардаги антропоген ва техноген таъсир юқори бўлган шаҳар экосистемаси ҳолатини яхшилашда нафақат юксак ўсимликлар, балки тупроқ сувўтларининг ҳам ўрни муҳим ҳисобланади. Бу ўринда, айниқса, ифлосланиши юқори бўлган жойларда зарарли моддаларни нейтраллаб, азотга бой чириндили муҳитни яратиш хусусияти билан тупроқ сувўтларининг турли экосистемаларга мослашувчанлигига эга бўлиши, ифлосланиш даражаси турлича бўлган экологик ҳудудларда тарқалиши, ўзига хос ҳаёт шаклига эга бўлган сувўтларининг турли экобиоформалар ҳолида учрашини аниқлаш кенг қамровли ва илмий изохга бой таҳлил натижаларини беради. Тупроқдаги сувўтларнинг ривожланиши йил давомида ўзгарувчан бўлиши, тупроқ юзасида ҳосил бўлган сувўтлардан иборат яшил “ғубор”ларни тадқиқ этиш орқали антропоген таъсир даражаларини аниқлаш имконини беради. Антропоген салбий омиллар таъсири натижасида ҳосил бўлган ифлосланиш майдонидаги тупроқ сувўтларининг турлар таркибини аниқлаш ва шаҳар экосистемасининг ҳолатини экологик баҳолаш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Республикамизда тупроқ унумдорлигини биологик жиҳатдан ошириш ва тупроқ микрофлорасини сақлаб қолишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада сувўтлар коллекциясини ташкил этиш, тупроқларнинг антропоген ифлосланиш манбалари ва кўламини аниқлаш, уларни бартараф этиш борасида натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ “атроф-муҳит ҳолатига зарар етказадиган муаммоларни олдини олиш, тупроқ мелиорация ҳолатини яхшилаш” бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда Андижон шаҳар экосистемаларининг антропоген таъсир

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

юқори бўлган тупроқларидаги сувўтларнинг таксономик таркиби, биологик спектри ва полиморф турларни аниқлаш, тупроқнинг ифлосланиш даражасини таҳлил қилишда улардан фойдаланиш, альгофлоранинг электрон маълумотлар базасини тузиш ва амалиётга жорий этиш муҳим илмий - амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 21 сентябрдаги 409-сон “Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14-сентябрдаги 446-сон “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2018 йил 26 июндаги 6-сон “Экологик назорат тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф - муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шаҳар экосистемаларидаги тупроқ сувўтларининг таксономик таркиби, биологик спектри ва унинг шаклланишига экологик омилларни таъсири тўғрисидаги маълумотлар хорижлик олимлардан Malam et al. (2001), Parikh et al. (2004), Harel et al (2004), Yunpuetal (2010) ҳамда МДХ мамлакатларида Суханова (1996), Арманова (2002), Домрачова (2006), Антипина (2006), Кузяхметов (2006), Трухницкая (2008), Аксенова (2010), Шалару (2012), Ефремова (2014) томонидан олиб борилган.

Республикамизда тупроқ сувўтларини ўрганилишига оид асосий тадқиқотлар Мусаев (1964), Тожибоев (1973) ишларида кўрсатилган. Юртимизда шаҳарлар тупроқларида учровчи, кучли антропоген ва техноген таъсир остидаги сувўтларни турлар сони, уларнинг таксономик таҳлилларига бағишланган илмий ишлар олиб борилмаган. Шу сабаб, Андижон шаҳрининг алоҳида экологик ҳудудларга бўлиб, ундаги сувўтларни таксономик, биоформа таркибини, “ғуборлашган” тупроқларидаги сувўтлар ва уларни йил давомида ривожланишини таҳлил қилиш, саноат объектлари атрофидаги ифлосланиш даражасини тупроқ сувўтларининг турлар таркиби асосида аниқлаш ва экологик баҳо бериш муҳим аҳамиятга эга.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат университети «Экология ва ботаника» кафедрасининг илмий тадқиқот ишлар режасининг А-7-21 “Фарғона водийси шимолий қисми ўсимликлар қопламанинг

антропоген трансформациясини баҳолаш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Андижон шаҳар экосистемаларининг тупроқларида тарқалган сувўтлар таркибини аниқлаш асосида ҳудуднинг экологик ҳолатини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Андижон шаҳри тупроқларида тарқалган сувўтларининг таксономик таркибини аниқлаш ва таҳлилин аналга ошириш;

Андижон шаҳри тупроқларида тарқалган сувўтларининг биоформа бўйича таҳлилин аналга ошириш;

селитеб, рекреация, транспорт ва саноат ҳудудлар тупроқларидаги сувўтларнинг турлар таркиби бўйича таҳлилин аналга ошириш;

шаҳар ҳудуди экологик шароитида тупроқлар юзасининг “ғуборлашган” жойларида тарқалган сувўтлар турлари ва уларнинг йил давомида ривожланишидаги ўзгарувчанлик даражасини аниқлаш;

шаҳар ҳудудининг саноат объектлари атрофидаги ифлосланиш даражасини тупроқ сувўтларининг турлар таркиби асосида аниқлаш.

Тадқиқот объекти Андижон шаҳрининг антропоген ва техноген таъсири юқори бўлган ҳудудлар тупроқларидан аниқланган сувўтлари ҳисобланади.

Тадқиқот предмети Андижон шаҳри экологик ҳудудлар тупроқларидан аниқланган сувўтларнинг таксономияси, флористикаси ҳамда тупроқнинг экологик ҳолатини баҳолаш ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда альгологик, гидробиологик, статистик методлар ва лаборатория таҳлиллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Андижон шаҳар экосистемаларининг тупроқларидан 155 тур ва тур хиллари аниқланган (6 бўлим, 11 синф, 15 тартиб, 32 оила, 57 туркум) ва рўйхати тузилган;

тупроқ сувўтлари бўйича экобиоформа таҳлили ўтказилиб, унга кўра 10 хилдаги экобиоформадан F, P, Ch гуруҳига мансуб турлар ноқулай шароитга мослашувчанлиги юқори эканлиги тавсифланган;

Андижон шаҳар экосистемаси 4 хил кўринишдаги ҳудудларга бўлиниши, ҳар бир ҳудуд антропоген омиллар таъсирида тупроқ сувўтларининг ўзига хос турлар таркибига эга бўлиши, улар орасидаги фарқлар ифлосланиш даражаси билан боғлиқлиги асосланган;

Андижон шаҳар тупроқ сувўтларининг йил фаслларида турлар таркибининг ўзгариш тафовутлари очиқ берилган;

Андижон шаҳар ҳудуди тупроқлари юзасида баҳор ва куз фаслида “ғуборлашиш” жараёнининг содир бўлиш вақти ҳамда давомийлиги иқлим, қисман антропоген омил таъсири билан боғлиқлиги асосланган;

Андижон шаҳар тупроқларида саноат объектдан узоқлашиб бориши билан сувўтларнинг турлар таркиби ўзгариши, конденсация билан боғлиқ ифлосланиш даражасини белгилаши аниқланган;

илк бор Андижон шаҳар экосистемаси тупроқ сувўтларининг замонавий ҳолатини акс эттирувчи электрон маълумотлар базаси яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

шаҳарнинг селитеб, рекреация, саноат ва транспорт ҳудудларидаги тупроқ сувўтларининг турлар таркиби, антропоген омиллар таъсирида ўзгаришларга учраши асосланган;

шаҳарнинг саноат ҳудудидаги ифлосланиш даражаси тупроқ сувўтларининг турлар таркиби аниқланиб, ҳудудга экологик баҳо берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий усулларнинг қўлланилганлиги ва олинган натижаларнинг етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, олинган маълумотларнинг давлат табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари фаолиятига киритилганлиги, йиғилган сувўтлар намуналарининг “Сув ҳавзалари сувўтлар флораси” коллекцияси фондида сақланаётганлиги, тадқиқот натижаларининг тегишли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти илк бор Андижон шаҳри тупроқларидаги сувўтларининг турлар таркиби аниқланиб, тўлиқ инвентаризация қилинганлиги, селитеб, рекреация, транспорт ва саноат ҳудуддаги тупроқ сувўтларининг турлар таркиби қиёсий очиб берилганлиги, турларнинг мавсумий ўзгаришлари илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Андижон вилояти табиатни муҳофаза қилиш кўмитасида шаҳар тупроқлари биохилма – хиллигини муҳофаза этишда, электрон маълумотлар базасини ҳудуд тупроқ таркибини аниқлаштириш ва улардан фойдаланишда асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон шаҳар тупроқ сувўтларини тадқиқ қилиш бўйича олинган натижалар асосида:

шаҳар экосистемаси тупроқларида аниқланган 155 тур сувўтлар рўйхати, селитеб, рекреация, саноат ва транспорт ҳудудларида ифлосланиш даражаларининг фарқини белгилувчи хусусиятлари Андижон вилояти Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат кўмитасининг 2019 йил 17 июлдаги 03-02/3-2995-сон маълумотномаси). Натижада шаҳар экосистемасида саноат корхоналари томонидан чиқаётган газларни “конденсация” жараёнида атрофни ифлослаш радиуси сувўтларни тарқалиши орқали аниқлаш имконини берган;

шаҳар экосистемаси тупроқларида аниқланган 155 тур сувўтларнинг экстремаль шароитда ривожланиш, мосланиши хусусиятлари А-7-21 рақамли “Фарғона водийси шимолий қисми ўсимликлар қопламининг антропоген трансформациясини баҳолаш” амалий лойиҳасида юксак ўсимликлар учун муҳитни шакллантиришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 1 мартдаги 89-03-864-сон маълумотномаси). Натижада тупроқ сувўтларининг антропоген трансформациясини баҳолаш ва тупроқ муҳитининг ифлосланган зоналарини аниқлаш имконини берган;

шаҳар экосистемаси тупроқларидан йиғилган альгологик намуналар ҳамда уларнинг доимий препаратлари Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институтининг «Сув ҳавзалари сувўтлар флораси» ноёб объекти коллекциясига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2019 йил 25 июлдаги 4/1255-2059-сон маълумотномаси). Натижада коллекциянинг «Ўзбекистон тупроқ сувўтлар флораси» фондини бойитган ва тупроқ микрофлорасини инвентаризациялаш, тупроқ сувўтларининг ягона маълумотлар базасини шакллантириш ҳамда шаҳарнинг турли экологик ҳудудда тарқалган сувўтлар орқали тупроқнинг ифлосланиш даражаси ва ҳудудга экологик баҳо бериш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 121 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Тупроқ сувўтларининг ўрганилганлиги**» деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда ҳамда чет элда шаҳар тупроқ сувўтлари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг қисқача шарҳи, тадқиқот методлари ва тадқиқот ҳудудининг табиий-географик тавсифи келтирилган.

Биринчи бўлимда Ўзбекистонда тупроқ сувўтлари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг қисқача шарҳи келтирилган. Ўзбекистондаги альгологик тадқиқотлар натижалари Б. А. Келлер (1926), Н. Н. Большев ва Т. Н. Евдокимова (1944) К. Ю. Мусаев (1954–1972), Ш. У. Умарова (1967), Е. К. Троицкая (1961), Ш. Ж. Тожибоев (1973) ишларида келтирилган. Адабиёт маълумотларининг таҳлили шуни кўрсатадики, тупроқ сувўтлари бўйича илмий манбаларда келтирилган маълумотларнинг асосий қисми ўтган асрнинг 60-70 йилларига тегишли. Шу нуқтаи назардан, республикамиздаги

альгологик тадқиқотларнинг hozirgi кундаги ҳолати таксономик жиҳатдан янги изланишларни ва ботаника номенклатурасининг замонавий қоидалари бўйича қайта баҳолашни талаб этганлиги кўрсатилган.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида шаҳар ҳудуди тупроқ сувўтлари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг қисқача шарҳи келтирилган. Штина, Неганова (1985), Штина (1990), Дубовик (1995), Шкундина (1996), Шалару (2012), Ефремова (2014) ва бошқаларнинг ишларидан маълумотлар берилди.

Учинчи бўлимда тадқиқот методлари келтирилган. Тадқиқот жараёнида лаборатория таҳлиллари амалга оширилиб, статистик усуллар ва умумий альгологияда қабул қилинган методлардан фойдаланилган (Голлербах, Штина 1969). Таксономик бирликлар алоҳида бўлимлар бўйича аниқлагичлар (Голлербах, Полянский, 1951; Мошкова, Голлербах, 1986; Музаффаров, Эргашев, Халилов, 1988; Халилов ва бошқ. 2014) асосида аниқланган. Тупроқ сувўтларининг қиёсий таҳлили амалга оширилган (Vockheim, 1974).

Диссертациянинг «Андижон шаҳридаги тупроқ сувўтларининг таҳлили» деб номланган иккинчи бобида Андижон шаҳридаги тупроқ сувўтларининг таксономик, биоформалари бўйича таҳлиллари келтирилган.

Биринчи бўлимда Андижон шаҳри тупроқларида учрайдиган сувўтларнинг таксономик таҳлили келтирилган. Унга кўра альгофлорада жами 155 тур аниқланди, улар 6 бўлим, 11 синф, 15 тартиб, 32 оила, 57 туркумдан иборат (1-жадвал). Таксономик таркибни С. П. Вассер ва бошқ. (1989) бўйича жойлаштирилди.

1-жадвал

Флоранинг таксономик таркиби

№	Бўлимлар	Синф	Тартиб	Оила	Туркум	Тур	Тур хили		Жами
							вариация	форма	
1	Cyanophyta	2	4	10	15	52	-	6	58
2	Euglenophyta	1	1	1	2	4	-	-	4
3	Cryptophyta	1	1	1	1	1	-	-	1
4	Bacillariophyta	1	1	2	6	19	3	-	22
5	Xanthophyta	2	2	4	7	18	-	-	18
6	Chlorophyta	4	6	14	26	48	-	4	52
	жами	11	15	32	57	142	3	10	155

Андижон шаҳри тупроқ сувўтлари турлари бўйича электрон маълумотлар базаси тузилди.

Флорадаги турларнинг систематик таркибида сон жиҳатдан Cyanophyta бўлими 58 тур билан (37,41%) бошқалардан кўп. Chlorophyta 52 тур (33,55%) билан кейинги ўринда туради. Bacillariophyta бўлими 22 тур билан (14,19%) учинчи ўринда. Xanthophyta бўлими 18 тур билан (11,62%) тўртинчи, Euglenophyta бўлими 4 тур билан (2,58%) бешинчи ва Cryptophyta 1 тур билан (0,65%) якунловчи ҳисобланади.

Жами турлар сонининг систематик категорияларга тақсимланганда бир туркумга тўғри келадиган турларнинг сони 2,72; оилага 4,8; тартибга 11,07; синфга 14,09; бўлимга 25,83 га тенг.

Турлар сони бўйича Cyanophyta 58 тур, шунга яқин ҳолат Chlorophyta бўлимида 52 турга тенг, улар жами турлар сонидан (155) 71 фоизини ташкил этади. Туркумларнинг биологик хилма-хиллиги Chlorophyta бўлимида энг юқори (26), Cyanophyta бўлимида 15 га тенг. Қолган 4 бўлимда бу кўрсаткич 3-7 орасида. Оилаларнинг сонидаги хилма-хиллик ҳам шу тарзда 14-10 дан иборат. Тартибларнинг хилма-хиллиги Chlorophyta бўлимида кўп (5). Синфларнинг сонидан ҳам шундай, бошқа 5 бўлимга мансуб таксонлар 1-2 синфларга бирлашган. Cyanophyta ҳамда Chlorophyta бўлимига мансуб сувўти турларининг ҳар қандай муҳитга мослаша олиши, бошқа бўлим сувўти турларига нисбатан сон жиҳатдан юқори ўринни эгаллашига сабаб бўлган.

Систематик таркиби ўрганилган объектдан 57 туркумга мансуб турлар аниқланди. Улардан 4 та ва ундан кўп таксонларни ўз ичига олган туркумларни полиморф деб ҳисобланиб, улар 11 тани ташкил қилди. Қолган 46 туркум 1-3 турларга эга. Полиморф туркумларда турлар сонининг тақсимланишини 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал

Полиморф туркумларда турлар сонининг тақсимланиши

№	Туркум	Турлар сони	Даража	Фоизи
1	<i>Phormidium</i>	14	1	9,03
2	<i>Chlamydomonada</i>	13	2	8,38
3	<i>Navicula</i>	8	3	5,16
4	<i>Cylindrospermum</i>	7	4-5	4,51
5	<i>Nostoc</i>	7	4-5	4,51
6	<i>Hantzschia</i>	6	6	3,87
7	<i>Anabaena</i>	5	7-9	3,22
8	<i>Oscillatoria</i>	5	7-9	3,22
9	<i>Lyngbya</i>	5	7-9	3,22
10	<i>Gloeocapsa</i>	4	10-11	2,58
11	<i>Tribonema</i>	4	10-11	2,58
		78		

Полиморф туркумлар рўйхатида Cyanophyta бўлимидан гетероцистасиз ипсимон танаси сезилар-сезилмас шилимшиқ билан қопланган *Phormidium* туркуми етакчилик қилади. Бу бўлимдан жами 58 тур аниқланганлигини эътиборга олса, *Phormidium* туркумининг таксонлари Cyanophyta бўлимидан жами турларнинг $\frac{1}{4}$ қисмига яқин ҳолатни (24%) ташкил қилади. Жами турлар сонидан бу туркумнинг турлари 9,03% дан иборат. Бу туркумнинг полиморфлик ҳолатини ҳудуддаги ноорганик моддаларга таъсирчанлиги бошқа туркум турларига нисбатан паст эканлиги билан изоҳланади.

Кейинги ўринда Chlorophyta бўлимидан бир ҳужайрали монад тузилишли *Chlamydomonada* туркуми 13 турга эга. Бу туркумнинг турлар сони жами Chlorophyta бўлимидан аниқланган турлар сонининг (52) $\frac{1}{4}$ қисмдан бироз кўпроқ ҳолатни ташкил қилади. Полиморф ҳар иккала туркум турлари жами турлар (155) сонига нисбатан 17,41 фоизни ташкил этди.

Бундай кўрсаткич бошқа туркумларга хос эмас. *Phormidium* ва *Chlamydomonadas* туркумларининг турлари тупроқ шароитида кенг тарқалганлигини, биологик хилма-хилликни бошқа турларга нисбатан кўпроқ ҳосил қилганлиги аниқланди. Полиморф туркумлар рўйхатида *Vacillariophyta* бўлимидан *Navicula* 8 тур билан учинчи ўринни эгаллаган. Бу туркумнинг турлари бўлимдан аниқланган 22 турларни орасида 1/3 қисмидан кўпроғини (36%) ташкил қилди. *Chlamydomonadas* туркуми органик чиқиндилари муҳитда тез ўсиб ривожланиши, шаҳар ҳудудида озиқ-овқат саноати чиқиндилари нисбатан кўплиги билан изоҳланади.

Иккинчи бўлимда тупроқ сувўтларининг систематик таҳлили келтирилган бўлиб, асосан таксономик таркиби ўрганилган тупроқларда аниқланган сувўтлар *Cyanophyta*, *Euglenophyta*, *Cryptophyta*, *Vacillariophyta*, *Xanthophyta*, ва *Chlorophyta* бўлиmlарига мансуб. Бўлимларнинг жойлашиш тартиблари Вассер (1989) бўйича келтирилди.

Учинчи бўлимда биоформалар таҳлили келтирилган бўлиб, тупроқлардан аниқланган сувўтлар турларини флористик жиҳатидан таҳлил қилиб, “бир ҳужайрали”, “колонияли”, “ипсимон”, “тармоқланган ипсимон”, атамаларидан фойдаланиб экологик маъно берилди. Ушбу тадқиқот ишларида Э.А. Штина, М.М. Голлербах (1976) таклиф этган тупроқ сувўтларининг ҳаётий кўриниш биологик спектрларидан фойдаланган ҳолда, юксак ўсимликларнинг ҳаётий шакллари таҳлил этилгандай тавсифи келтирилди (3-жадвал). Бунда ҳар бир ўзига хос биоформа адабиётлардаги маълумотларга асосан лотин алифбоси билан белгиланди.

3-жадвал

Биоформаларнинг ўрганилган ҳудудлардаги турлар сони фоизи

№	Био-формалар	Жами		Селитеб ҳудуди		Рекреация ҳудуди		Транспорт ҳудуди		Саноат ҳудуди	
		турлар сони	%	турлар сони	%	турлар сони	%	турлар сони	%	турлар сони	%
1	F	32	22,58	25	21,55	21	20,56	19	25,0	26	27,7
2	Ch	24	12,9	13	11,21	10	9,8	15	19,71	15	15,52
3	P	32	20,64	17	14,65	15	14,7	7	9,22	13	13,45
4	B	18	11,62	18	15,51	16	15,82	10	13,16	13	13,42
5	X	18	11,62	18	15,51	15	14,70	13	17,1	12	12,5
6	H	17	10,32	13	11,21	14	13,70	3	3,95	9	7,25
7	N	7	5,8	5	4,32	4	3,90	5	6,58	5	4,16
8	M	3	1,94	3	2,58	3	2,92	2	2,64	2	2,88
9	Amph	2	1,29	2	1,73	2	1,95	2	2,64	2	2,08
10	Hydr	2	1,29	2	1,73	2	1,95	-	0,00	1	1,04
		155	100	116	100	102	100	76	100	98	100


Аниқланган сувўтларнинг биоформаларини ўрганилган ҳудудлар тупроқларида тарқалишини таҳлил қилганимизда ипсимон трихомасида сезиларли шилимшиқ ўрама ҳосил қилмайдиган F – форма рекреация ҳудудида 20,56 фоизни, транспорт ҳудудида 25 фоизни, селитеб ҳудудида

21,55 фоизни ҳамда саноат ҳудудида 27,7 фоизни ташкил қилди. Танаси шилимшиқли қобик билан қопланган Р формалар саноат, рекреация, селитеб ҳудудларида ўзаро яқин 13-14 фоиз атрофида, транспорт ҳудудида бирмунча кам 9,2 % дан иборат. Экстермал шароитларда ҳам мавжуд бўла оладиган Ch –формага рекреация ҳудудида 9,8 % бўлса қолган ҳудудларда 15-19 % оралиғини ташкил қилди.

Ҳаракатланадиган, тупроқнинг юзаси, бошқа сувўтларининг орасида тарқалиб тез ривожлана оладиган В форма ва бир хужайрали сариқяшил сувўтларнинг тарқалишида ўхшашликлар ўзаро яқин. Уларнинг фоиз кўрсаткичлари 13-15 % атрофида. Ипсимон яшил ва сариқяшил, кучли ёритилишга чидай оладиган тупроқларни «ғуборлашиб» қолишига сабаб бўладиган Н –форма рекреация ҳудудида 13,7 %, селитеб ҳудудларида 11,21% дан иборат бўлган ҳолда, транспорт ҳудудида улар 4% га яқин кўрсаткичга эга. Ипсимон, бир хужайрали гетероцистали шилимшиқли N –формага мансуб турлар транспорт ҳудудда 6,58% бўлса қолган ҳудудларда 4% атрофида холос. Ҳудудлар тупроқларида тарқалган сувўтларнинг экобиоформалар бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, F, P, Ch, N каби формалар ифлосланишга бошқаларига нисбатан кўпроқ мослашган.

Диссертациянинг «**Андижон шаҳрининг алоҳида ҳудудлардаги тупроқ сувўтларининг турлар таркиби бўйича фарқланиши**» деб номланган учинчи бобида селитеб, рекреация, транспорт ва саноат ҳудудлар тупроқ сувўтлари ҳақида маълумотлар берилган.

Шаҳар ҳудуди физик, кимёвий ва биологик жиҳатидан бошқа табиий минтақалардагига нисбатан кўпроқ деградацияга учраган. Бундай физик ўзгариш, яъни тупроқ юза қопламининг тарихий тараққиёт мобайнида шаклланган ҳолатининг бузилиши, асфальтлаш, бетон керамик қопламалаш, тиғизлаш, сув ювиб кетиши, чўкиши, геологик экзоген жараёнларнинг тезлаштирилиши, сув ва ҳарорат режимини бузилиши ва турли характердаги чиқиндиларни ташлаш туфайли шаклланиши мана шундай шароитда йиллар мобайнида тупроқ сувўтларини ривожланиши ҳақида маълумот берилади.



1-расм. Андижон шаҳрининг ўрганилган ҳудудлар тупроқларида аниқланган турлар сонининг динамикаси


Биринчи бўлимда селитеб ҳудуд тупроқларидан олинган намуналар бўйича олинган натижаларга кўра жами 116 та турларга мансуб тупроқ сувўтлари аниқланди (4-жадвал). Улар таксономик жиҳатдан 5 бўлим, 8 синф, 9 тартиб, 38 оила, 51 туркумга мансуб. Бир синфга тўғри келадиган турларнинг сони 13,5; бир тартибга 12,9 бир оилага 3,05, бир туркумга 2,27 га тенг. Селитеб ҳудудда турлар сонининг бошқа ҳудудга нисбатан кўп бўлиши бу ҳудудда саноат чиқиндилари бўлмаслиги, аҳоли томонидан атроф-муҳит экологиясининг меъёрида бўлишини таъминлаганлиги билан изоҳланади. Бу ҳудудда Chlorophyta бўлимига мансуб турлар кўпроқ, Xanthophyta, Bacillariophyta бўлим сувўтлари эса озроқ турларни ташкил этиши асосан органик чиқиндилар, яъни озик-овқат қолдиқлари билан ифлосланиш ҳолатини кўрсатади.

4-жадвал

Селитеб ҳудудлар тупроқларидан аниқланган сувўтларнинг таксономик таркиби


Бўлимлар	Таксонлар сони, фоизи									
	синфлар		тартиблар		оилалар		туркумлар		турлар	
	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи	сон	фоизи
Cyanophyta	1	12,5	2	22,22	10	26,32	15	29,42	42	36,21
Cryptophyta	1	12,5	1	11,11	2	5,26	3	5,88	3	2,59
Bacillariophyta	1	12,5	1	11,11	7	18,42	6	11,76	22	18,97
Xanthophyta	1	12,5	2	22,22	4	10,53	7	13,72	18	15,52
Chlorophyta	4	50,0	3	33,33	15	39,47	20	39,22	31	26,71
жами	8	100	9	100	38	100	51	100	116	100

Иккинчи бўлимда Андижон шаҳри рекреация ҳудудлари бўйича олинган натижаларга кўра 101 турларга мансуб сувўтлар аниқланди. Улар систематик жиҳатидан 5 бўлим, 8 синф, 18 тартиб, 33 оилага ва 46 туркумга мансуб. Бу ҳудуд тупроқ сувўтлари асосан Chlorophyta бўлимига мансуб сувўтлар турлари ҳисобланади. Селитеб ҳудуддан фарқли ўлароқ турлар сони бир оз кам (2-расм). Бунинг боиси ҳудуднинг кўкаламзорлаштирилиши, экологик ҳолатининг суъий тарзда яхшиланиши натижасида юксак ўсимликлар, сувўтларни сиқиб чиқариш жараёни кучли бўлганлиги билан изоҳланади. Рекреация ҳудуд тупроқлари альгофлорасининг таксономик таркиби қуйидаги расмда келтирилди.



2-расм. Рекреация ҳудудларида сувўтлар бўлимига мансуб турлар сонининг фоиз кўрсаткичлари

Учинчи бўлимда транспорт ҳудуди бўйича олинган маълумотлар келтирилди. Андижон шаҳрида “Ўзбекистон”, “Бобур”, “Навий”, “Истиклол” шоҳ кўчалари автотранспорт энг серқатнов ҳисобланади. Бу кўчаларнинг асфальтланган жойларини 0,5, 1,0 м чеккасидан олинган жами 32 тупроқ намунасида сувўтларнинг 76 турлари аниқланди. Таксономик жиҳатидан улар 6 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 30 оила, 40 туркумга мансуб (3-расм).



3-расм. Транспорт ҳудуд тупроқларида аниқланган сувўтлар турлар сонининг фоизларда тақсимланиши

Йўлаклар атрофи кўкаламзорлаштирилган, микроклими мўътадиллиги таъминланган муҳитда Cyanophyta, Chlorophyta бўлимига мансуб сувўти турлари сон жиҳатдан камайиб, Euglenophyta, Cryptophyta бўлимига мансуб сувўти турлари пайдо бўлиши кузатилади. Бу ҳолат ҳудудда ифлосланиш даражаси энг паст эканлигини кўрсатади.

Тўртинчи бўлимда саноат ҳудудларидан олинган натижалар бўйича маълумотлар келтирилди. Андижон шаҳри саноат корхоналарининг ҳудудларидаги тупроқлардан олган намуналарида сувўтлар 95 турдан иборат. Систематик жиҳатидан улар 5 бўлим, 7 синф, 16 тартиб, 34 оила, 44 туркумга мансублиги аниқланди. Бу ҳудудда барча сувўти турларининг яшаши учун ноқулай бўлганидан, асосан ноқулай шароитга мослашиши юқори бўлган Cyanophyta, Chlorophyta бўлимига мансуб сувўти турларини учратиш

мумкин. Euglenophyta, Cryptophyta бўлимига мансуб сувўти турлари умуман учрамайди (5-жадвал).

5-жадвал

Саноат корхоналари жойлашган ҳудуд тупроқлардаги сувўтларнинг таксономик таркиби

Бўлимлар	Таксонларнинг сони, фоизи										жами фоиз улуши
	синфлар	%	тартиблар	%	оилалар	%	туркумлар	%	турлар	%	
Cyanophyta	1	14.28	2	12.50	9	26.47	13	29.54	44	46.32	46,3
Chlorophyta	3	42.85	9	56.25	17	50.0	20	45.45	31	32.63	33,0
Xanthophyta	1	14.28	2	12.50	3	8.82	3	6.82	4	4.21	4,2
Euglenophyta	1	14.28	1	6.25	1	2.94	2	4.54	3	3.16	3,2
Bacillariophyta	1	14.28	2	12.50	4	11.76	6	13.64	13	13.68	13,7
Жами	7	100	16	100	34	100	44	100	95	100	100

Диссертациянинг «Андижон шаҳрининг тупроқ сувўтлари ёрдамида экологик баҳолашнинг ўзига хослиги» деб номланган тўртинчи бобида шаҳар ҳудуди экологик шароитида тупроқлар юзасининг “ғуборлашган” жойларда тарқалган сувўтлар, уларнинг ривожланиши ва турлар таркибини ўрганиш орқали ҳудудга экологик баҳо бериш бўйича маълумотлар келтирилган.


Биринчи бўлимда шаҳар ҳудуди экологик шароитида тупроқлар юзасининг “ғуборлашган” жойларда тарқалган сувўтларнинг баҳор ва куз фаслида, йиллар мобайнидаги турлар таркиби ўрганилди. Унга кўра, кузатилган йилларда тупроқ сувўтлар турларининг кузга нисбатан баҳорда кўп бўлиши кузатилди (6-жадвал). Бундай ҳолатни қиш фаслида тупроқни қор, ёмғир сувлари билан тўйинганлик билан изоҳланади.

6-жадвал

“Ғуборлашган” тупроқларда тарқалган сувўтлар турларининг сони

№	Бўлимлар	2016й		2017й		2018й	
		баҳор	куз	баҳор	куз	баҳор	куз
1	Cyanophyta	4	4	4	4	5	3
2	Bacillariophyta	4	3	3	3	3	3
3	Xanthophyta	3	3	3	2	2	2
4	Chlorophyta	10	9	8	6	7	6
5	Euglenophyta	1	1	1	1	1	1
	Жами турлар сони, фоизи	22 61.11	20 55.5	19 52.7	16 44.4	18 50.0	15 41.6


Иккинчи бўлимда шаҳар ҳудуди экологик шароитидаги тупроқ сувўтларининг ривожланишидаги ўзгарувчанлик даражаси ҳақида маълумотлар берилган бўлиб, унга кўра баҳор фаслида 50 тур тупроқ сувўтлари аниқланди. Cyanophyta-25 тур (50%), Bacillariophyta-6 тур (12%), Xanthophyta- 2 тур (4%), Cryptophyta-1 тур (2%), Chlorophyta-16 тур (32%). Куз фаслида 30 тур тупроқ сувўтлари аниқланди. Улардан Cyanophyta-18 тур (40%), Bacillariophyta-5 тур (11,1%), Chlorophyta-7 тур (37,7%) (4-расм). Тупроқ сувўтларининг ривожланишидаги ўзгарувчанлик даражаси ҳам қиш фаслида тупроқни қор, ёмғир сувлари билан тўйинганлик билан изоҳланади.



4-расм. Баҳорги ва кузги намуналарда аниқланган таксонларнинг фоиз миқдорлари

Учинчи бўлимда шаҳар ҳудуди атмосферасида юз берадиган конденсация ходисаси таъсирида тупроқларни сувўтлар ёрдамида ифлосланганлигини экологик баҳолаш бўйича маълумотлар берилган. Саноат корхоналари, транспорт ва бошқа воситалардан атмосферага чиқаётган зарарли чиқинди газлар ўша жойнинг ўзида конденсацияланиб тупроқ муҳитига тушади ва мавжуд биоценозга салбий таъсир ўтказди. Зарарли газларнинг объектдан атрофга тарқалиб узоқлашиб боргани сайин конденсацияланиш ҳисобига массасининг камайиб бориши ҳамда атмосферага тарқаб кетиши билан боғлиқ концентрациясини пасайиши ҳисобига тупроқ муҳитига ва ундаги организмларга хусусан сувўтларга зарар кўлами камайиб боради.

Шаҳар ҳудудида зарарли газлар чиқарувчи саноат корхоналари, транспорт ва бошқа воситаларнинг атроф-муҳитга таъсир кўлами тупроқ сувўтларидан, айниқса Cyanophyta, Chlorophyta бўлимига мансуб турларнинг учраши билан белгилаш мумкин. Қуйидаги диаграммада (5-расм) Биокимё заводи атрофининг 100 м радиусда тупроқ сувўтларининг тарқалиш динамикаси берилган.



5-расм. Шаҳар ҳудудининг антропоген таъсир юқори бўлган ҳудудда тупроқ сувўтларининг тарқалиши (Биокимё заводи)

Суанophyta бўлимига мансуб сувўти турлари Биокимё заводининг 10-20 м ларигача бўлган атрофларида 44 турни ташкил этди. 100 м гача бўлган масофада 32 тургача камайди. Chlorophyta бўлимига мансуб сувўтлари 10 м гача бўлган масофада 31 турни ташкил қилган бўлса, 100 м масофада 22 турга камайди. Bacillariophyta бўлимига мансуб сувўтлар турларида бундай ҳолатнинг акси рўй берди. 10 м гача бўлган масофада 5 тур, 100 м гача бўлган масофада 13 турга кўпайди. Xanthophyta ҳамда Euglenophyta бўлим сувўтлари 10-30 м масофагача бўлган жойларда учрамади. 80-100 м масофага борганда 3-4 турдан иборат сувўтлари аниқланди. Саноат корхоналари жойлашган жойдан узоқлашиб боргани сайин, тупроқ сувўтларини турлар таркиби ўзгариб бориши, ифлосланишга мослашувчанлиги турлича бўлган сувўтлар билан боғлиқ бўлиб, турлар таркиби ўзгаришига монанд ифлосланиш даражаси ҳам турлича бўлиши билан изоҳланади.

Ноқулай шароитга мослашувчанлиги юқори бўлган Суанophyta ва Chlorophyta бўлимига мансуб турлар сонини объектдан узоқлашиб боргани сайин ортиб бориши, ноқулай шароитга таъсирчан бўлган Bacillariophyta, Xanthophyta ва Euglenophyta бўлимига мансуб сувўтлар эса аксинча камайиб бориши ҳудудда тупроқ муҳитининг ифлосланиш даражасини пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

Антропоген таъсир юқори бўлган Андижон шаҳрининг турли экологик ҳудудларида зарарли газлар ажратадиган саноат корхоналари, транспорт ва бошқа воситаларнинг атроф-муҳитга салбий таъсири ўша жойнинг иқлими, жумладан, шамол йўналиши, ҳавонинг намлик даражаси, ҳаво ҳарорати, босим ва сув буғларининг конденсацияланиши билан боғлиқ ҳолда шаклланган бўлса, ифлосланиш даражасига баҳо бериш эса тупроқ муҳитидаги сувўтларнинг турлар таркиби, сони ва биохилма – хиллиги билан чамбарчас боғланган.

ХУЛОСА

“Шаҳар экосистемалари тупроқ сувўтлари (Андижон шаҳри мисолида)” мавзусидаги диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Андижон шаҳрининг 4 та экологик ҳудуд тупроқларидан олинган намуналарда сувўтларнинг жами 155 тур ва тур хиллари аниқланди. Улар 6 бўлим, 11 синф, 15 тартиб, 33 оила, 57 туркум, 155 тур, 3 вариация ва 10 формадан иборат. Турлар сони бўйича *Cyanophyta* (58 тур, 37,41%) ва *Chlorophyta* (52 тур, 33,55%) бўлимлари етакчилик қилади.

2. Флорада полиморф синфлари жами турларининг 78,7%, полиморф тартиблари 96,13%, полиморф оилалари 80%, полиморф туркумлари 50,32% ташкил этади ва уларнинг асоси *Oscillatoriaceae* (25), *Chlamydomonadaceae* (14) ва *Naviculaceae* (13 тур) оилалардан иборат. Бу оилаларнинг турларга бойлиги Андижон шаҳар экосистемасининг тупроқларини Ўзбекистондаги алоҳида аҳамиятга эга бўлган альгологик ҳудуд сифатидаги мақомини кўрсатади.

3. Ўрганилган ҳудуд тупроқларида 10 хил биоформадаги турлар тарқалганлиги, улар орасида F (32 тур), P (30 тур), Ch (18 тур), C (18 тур) формаларга мансуб турлар кўплиги аниқланди. Бу биоформалар ноқулай шароитларга юқори даражада мослаша олиши билан ажралиб туради. Бу эса ҳудуднинг ифлосланиш даражаси юқори эканлиги билан изоҳланади.

4. Селитеб ҳудудда бошқа ҳудудларга нисбатан биологик хилма-хиллик юқори, 116 турга мансуб сувўтлари аниқланди. *Cyanophyta* ва *Chlorophyta* бўлимларига мансуб туркумларнинг турлари кўп, диатом сувўти турлар таркиби эса кам эканлиги аниқланди. Бу ҳудудда аҳоли томонидан атроф муҳит экологиясини меъёрда бўлишини таъминлаганлик билан изоҳланади. *Cyanophyta* ва *Chlorophyta* бўлимига мансуб турлар кўпроқ, *Xanthophyta*, *Vacillariophyta* бўлим сувўтлари эса озроқ турларни ташкил этиши асосан органик чиқиндилар билан ифлосланиш ҳолатини кўрсатади.

5. Рекреация ҳудудида тарқалган сувўтларининг биологик хилма-хиллиги юқори (101 тур) даражада бўлиб, асосан *Cyanophyta* ва *Chlorophyta* бўлимларига мансуб таксонлар ташкил қилади. *Xanthophyta* ва *Euglenophyta* бўлимларининг вакиллари жами турлар сонининг 17 фоизни ташкил этади. Селитеб ҳудудга нисбатан турлар сони бир оз кам. Бу ҳолат ҳудуднинг кўкаламзорлаштирилиши, экологик ҳолатининг сунъий тарзда яхшиланиши натижасида юксак ўсимликлар тупроқ сувўтларини сиқиб чиқариш жараёни кучли бўлганлиги билан изоҳланади.

6. Транспорт серкатнов кўчаларнинг тупроқларида сувўтларнинг жами 76 тури аниқланди. Таксономик жиҳатидан улар 6 бўлим, 9 синф, 19 тартиб, 30 оила, 40 туркумга мансуб. *Cyanophyta*, *Chlorophyta* бўлимига мансуб сувўти турлари сон жиҳатдан камайиб, *Euglenophyta*, *Cryptophyta* бўлимига мансуб сувўти турлари пайдо бўлиши транспорт ҳудудининг ифлосланиш даражаси энг паст эканлигини кўрсатади.

7. Саноат ҳудудлари тупроқларида сувўтларнинг 95 тури аниқланган. Систематик жиҳатидан улар 5 бўлим, 6 синф, 16 тартиб, 34 оила, 44 туркумга мансуб. Бу ҳудудда турлар сонининг камлиги тупроқ муҳитини ифлосланиш даражаси юқорилиги билан изоҳланади. Барча сувўти турларини яшаши учун ноқулай бўлганидан, асосан ноқулай шароитга мослашиши юқори бўлган Cyanophyta, Chlorophyta бўлимига мансуб сувўти турлари учради. Euglenophyta, Cryptophyta бўлимига мансуб сувўти турлари умуман учрамади.

8. Шаҳар ҳудудида тупроқ юзасини “ғуборлашган” жойларида 36 тур сувўтлар аниқланди. Систематик таркибни асосан кўкяшил сувўтлар 22 тур (61,11%), 10 тур (27,7%) яшил сувўтлари ва 5 (13,8%) тур диатом сувўти ташкил қилди. Бу таркибда етакчи турлар бўлиб *Microcoleus vaginatus*, *Phormidium aeruginosa*, *Ph. autumnale*, *Ph. brevis*, *Plektonema notatum*, *Palmella mimita*, *Asteriococcus rupestris*, *Chlorella tericola*, *Navicula minuscula*, *Pinnularia intermedia* ташкил қилди. Бундай ҳолат иқлимий шароитлар, тупроқ типи, унинг хусусиятлари ҳамда антропоген таъсир билан изоҳланади.

9. Тупроқ сувўтларининг турлар таркибини ўзгариши бўйича таҳлил натижасига кўра баҳорда турлар сони кўп (Cyanophyta (25 тур, 50%), Bacillariophyta (6 тур, 12%), Xanthophyta (2 тур 4%), Cryptophyta (1 тур, 2%), Chlorophyta (16 тур, 32%), кузда озроқ (Cyanophyta (18 тур, 40%), Bacillariophyta (5 тур, 11,1%), Chlorophyta (7 тур 37,7%). Баҳор ва куз фаслларидаги турлар таркибини ўзгаришида фарқлар вужудга келиши ҳудуднинг иқлим шароити, яъни ҳарорат, қиш ойларида тупроқни қор ва ёмғир сувлари билан тўйинганлиги ҳисобига намлик даражаси юқори бўлганлиги билан изоҳланади.

10. Андижон шаҳрининг саноат корхоналари, транспорт ва бошқа воситаларнинг атроф-муҳитга таъсирини, тупроқ сувўтларини турли ифлосланишган мослашувчанлиги билан боғлиқ турлар таркибини аниқлаш орқали экологик баҳо берилди. Ҳудудда тупроқ сувўтлари ёрдамида аниқланган ифлосланиш даражасининг турлича бўлиши атмосферадаги конденсация ҳодисаси билан изоҳланади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.09.2018.В.76.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАМАНГАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

МАМАСОЛИЕВ САРДОРБЕК ТУРСИНОВИЧ

**ПОЧВЕННЫЕ ВОДОРОСЛИ ГОРОДСКИХ ЭКОСИСТЕМ
(НА ПРИМЕРЕ Г.АНДИЖАНА)**

03.00.05 – Ботаника

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/B102.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (www.namdu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Тожибоев Шаробитдин Жамолович
кандидат биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримов Фарход Исомиддинович
доктор биологических наук,

Буриев Сулаймон
доктор биологических наук, профессор

Ведущая организация:

Ферганский государственный университет

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 года в _____ часов на заседании Научного совета PhD.28.09.2018.B.76.01 при Наманганском государственном университете (Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчи, дом. 316. Тел.: (+99869) 227-06-12; факс (+99869) 227-07-61, e-mail: info@namdu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского государственного университета (зарегистрирована за № ____). Адрес: 160119, г. Наманган, ул. Уйчинская, д. 316. Тел.: (+99869) 227-29-81.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от «___» _____ 2019 года)

А.Э. Зайнабидинов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.б.н.

Х.Э. Эргашева
Ученый секретарь научного совета, присуждению ученых степеней PhD по биологическим наукам

А.Р. Батошов
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В условиях урбанической экосистемы для сохранения нормального экологического равновесия, в восстановлении подверженных деградации почв, снижения загрязнения почвы бесценна роль почвенных водорослей, обладающих свойствами природного индикатора, прогнозирующего степень загрязнения и особенностей развития и сохранения биологического разнообразия биоценоза. В связи с этим, прогнозирование оценки современного состояния городской почвенной среды, особенно водорослей и внедрения в практику имеет важное научно-практическое значение.

Все проводимые в мире исследования по почвенной альгофлоре, направлены на экологическое деление городской территории на четыре зоны: селитебная зона – места проживания населения, рекреационная зона – скверы, парки отдыха, промышленная зона – окрестности промышленных предприятий, транспортная зона – главные проспекты, выявление состояния различной альгофлоры между ними и оценке степени их трансформации.

Также, в улучшении состояния городской экосистемы с повышенным антропогенным и техногенным воздействием значительна роль не только высших растений, но и почвенных водорослей, с учетом проживания, работы и отдых городского населения в таких экологических зонах.

Необходимо отметить, выявление приспособляемости почвенных водорослей к разным экосистемам со способностью нейтрализации вредных веществ и создания среды обогащенной азотом в местах высокой загрязняемости, распространение в экологических зонах с различной степенью загрязняемости, наличие водорослей с особой формой жизни в виде экобиоформ дает результаты обширного научнообъяснимого анализа.

Выявление образования мест “цветения” в результате жизнедеятельности водорослей, изменчивости развития водорослей в почве в течение года представляет возможность определения степени антропогенного влияния.

Важное научно-практическое значение имеет экологическая оценка состояния городской экосистемы и определение видов почвенных водорослей на площади загрязнения, образовавшейся в результате влияния вредных факторов.

В нашей республике особое внимание уделяется повышению биологического плодородия и сохранению микрофлоры почвы. В этой сфере достигнуты результаты в создании коллекции водорослей, определении источников и масштабов антропогенного загрязнения почвы и их устранения. В стратегии Действий² по дальнейшему развитию Республики Узбекистан отмечены важные задачи “по улучшению мелиоративного состояния почвы, предотвращению проблем, наносящих ущерб состоянию окружающей среды”. В осуществлении указанных задач важное научно-практическое

² Указ Президента Республики Узбекистан №ПФ-4947 от 7 февраля 2017 г. “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”

значение имеет выявление таксономической структуры, биологического спектра и полиморфных видов почвенных водорослей, испытывающих антропогенное воздействие экосистем города Андижана, использование этих данных при анализе загрязняемости почвы, создание электронной базы данных альгофлоры и внедрение в практику.

Данное диссертационное исследование в некоторой степени окажет помощь в реализации задач, намеченных Законом Республики Узбекистан “Об охране растительного мира и пользование им” № 409 от 21 сентября 2016 г., Законом Республики Узбекистан “Об охране природы” №446 от 14 сентября 2017 г., Постановлением государственного комитета по охране экологии и окружающей среды Республики Узбекистан “Об экологическом контроле” № 6 от 26 июня 2018 г. Указом Президента Республики Узбекистан №ПФ-4947 от 7 февраля 2017 г. “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” и нормативно-правовых актах по данной деятельности.

Соответствие исследования приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Данное диссертационное исследование выполнено согласно приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике V. “Охрана сельского хозяйства, биотехнологии, экологии и окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Научные исследования по изучению таксономической структуры городских почвенных водорослей, биологического спектра и воздействия экологических факторов на его формирования осуществлялись зарубежными учеными Malam et al. (2001), Parikh et al. (2004), Harel et al (2004), Yunpuetal (2010), также учеными стран СНГ Сухановой (1996), Армановой (2002), Домрачовой (2006), Антипиной (2006), Кузяхметовым (2006), Трухницкой (2008), Аксеновой (2010), Шалару (2012), Ефремовой (2014).

